

ЯШАСИН БИРИНЧИ МАЙ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 86 (5179),

1
М А Й
ЧОРШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ СОВЕТ ХАЛҚИГА БИРИНЧИ М А Й Т А Б Р И Г И

Азиз ўртоқлар! Улуғ Советлар мамлакатининг граждани!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети ишчилар ва колхозчиларни, зиёлиларни, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг жангчиларини, революция, урушлар ва меҳнат ветеранларини, шонли ёшларини, барча совет кишиларини биринчи Май байрами билан табриқлайдиган ва қутлайдиган!

Бугунги байрам — КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошираётган совет халқи ғалабаларининг завқ-шавқли намоёнидир. Совет кишиларининг коммунизм йўлидаги ихлосдор кураши социалистик мусобақанинг кенг мавжиди, меҳнатдаги шонли зафарларда яққол намоён бўлиб турибди.

Ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг, жисмоний ва ақлий меҳнат ходимларининг иттифоқи коммунистик қурилишда, муштарак мақсадлар ва идеаллар учун олиб борилаётган курашда тобора маҳкамроқ жипслашмоқда, жамиятимизнинг маънавий-сиёсий бирлиги мустаҳкамланмоқда. СССР халқларининг буюк дўстлиги асло енгимас бўлиб қолди.

Эндликда биз тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи йилга қалам қўйдик, бу беш йилликнинг бажарилиши социалистик жамиятни янада ҳар томонлама ривожлантириши, совет кишиларининг фаровонлиги ва маданиятини ошириши таъминлайди. Беш йилликни муваффақиятли тугаллаш ва коммунистик қурилишнинг янги вазифаларини ҳал этиш учун фан ва техниканинг энг янги ютуқларини тинимсиз ўзлаштириш, ишлаб чиқаришнинг янги-янги резервларини қидириб топиб ишга солиш, бошқариш ва планлаштиришни доимо такомиллаштириш, маҳсулот сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини муттасил ўстиришга эришиш зарур. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши халқ ҳўжалиги барча тармоқларининг ходимлари кунт билан аниқ мақсадли кўзлаб куч-ғайрат сарфлашлари, меҳнат коллективларидаги ишга, ҳар бир совет кишининг меҳнатга ижодий, ҳалоо муносабатда бўлишига боғлиқ.

Ишчилар ва мутахассислар, социалистик индустриянинг барча ходимлари ишлаб чиқариш самардорлигини янада ошириш учун курашиб, янги резервларни топиб ва ишга солиб, беш йилликнинг тўртинчи, белгиланган йили планини тўла ва ошириб бажариш учун ҳамма ишни қилишлари керак.

Мамлакат далаларида кўкламги дала ишлари қизғин давом этаётган ҳозирги пайтда экин-тикин ишларини уюшқоқлик билан, юксак агротехника даражасида ўтказиб олиш, шу тариқа 1974 йилги мўл ҳосилга замин яратиш—қийлоқ ҳўжаалик меҳнатчиларининг масъулиятли вазифасидир.

Биринчи Май кўни биз меҳнат гвардиясини — беш йиллик зарбдорларини, ишлаб чиқариш илгорлари ва

новаторларини шарафлаймиз. Уларнинг намунаси — жамиятимизнинг эзгу мақсад—коммунизм сари қилаётган ҳаракатини тезлаштирувчи буюк кучдир.

Тинчлик ва халқаро хавфсизлик ишини изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган партияимиз билан Совет давлатимизнинг ташқи сиёсати улкан ғалабаларга эришди. КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан тинчлик программасини ер юзидаги барча софдил кишилар маъқулламоқда.

Бугун, биринчи Май кўни биз совет халқи номидан ер юзидаги барча тинчлик ва тараққиёт курашчиларига мурожаат қилиб, империалистик реакциянинг халқаро кескинлик юмшатилаётганлигини барбод этишга, «совуқ уруш» муҳитини қайта тиклашга уринаётган қора кучларига қарши курашда интернационал бирдамликни мустаҳкамлашга чақирамиз.

Қардош социализм мамлакатларининг халқлари ягона жипслашган сафда биз билан бирга бормоқдалар. Социалистик давлатларнинг иқтисодий, сиёсий, илмий, маданий ва идеологик ҳамкорлигида янги муваффақиятларга эришамиз.

Капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфининг ўз социал ва сиёсий ҳуқуқлари учун олиб бораётган жанглари кучайиб бормоқда. Капиталистик мамлакатлардаги Коммунистик ва ишчи партиялар бу курашга бош бўлиб, меҳнаткашларнинг ҳаётини манфаатлари учун изчил ва филокорона курашмоқдалар.

Социализм ва миллий озодлик кучларининг бирдамлиги мустаҳкамланмоқда. Мустамаलाқчилик зулмининг улоқтириб ташлаган мамлакатлар янги мустамаलाқчиликка қарши, янги социал тараққиётга эришиш учун муваффақиятли курашни кенгайтирмоқдалар.

Ер юзида мустаҳкам адолатли тинчлик учун, жабр-зулм ва эксплуатацияга қарши, монополияларнинг ҳукмронлигига қарши, социал адолатсизликка, сиёсий реакцияга, фашизмга ва уруш хавфига қарши кураш — бутун илгор инсониятнинг ишидир.

Ҳамма қитъаларда янгидан миллион-миллион кишилар тинчлик ва социализм ғоялари тарафига ўтмоқдалар. Социализм—инсониятнинг равиқ топиш даври, унинг чинакам баҳори эканлигига халқлар тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида улуғ Ленин васият қилган ишни давом эттириш ва муваффақиятли тугаллашга аزم-қарор берган.

Коммунизм бинокори — совет халқига шон-шарафлар!

Яшасин меҳнаткашларнинг империализмга қарши тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги Халқаро бирдамлик кўни — 1 Май!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

30 апрелда Тошкент области ижроия комитетда мукофотларни топириш маросими бўлди.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида муваффақиятга эришганликлари ва 1973 йил топириқлари ва элиммага олинган социалистик мажбуриятларини бажаришда кўрсатган шавкатли меҳнатлари учун Тошкент области халқ ҳўжалиги хо-

димларидан катта бир гуруппаси СССР орден ва медалларини олдилар.

Мукофотларни меҳнаткашлар депутатлари Тошкент области Совети ижроия комитетининг раиси С. А. Асонов топириди.

А. Н. КОСИГИН ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Байкал-Амур темир йўл магистрал қурилишида ишлаган лозим бўлган ВЛКСМ XVII съезди номли Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилиш отрядининг раҳбарларини 29 апрелда қабул қилди.

Ўртоқ А. Н. Косигин Шарқий Сибирнинг табиий бойликларини ўзлаштиришда комсомоллар, совет ёшларининг иштирок этиши гоят муҳим эканлигини таъкидлаб ўтди. Темир йўл магистрал

қурилишида зарбдор комсомол қурилиш отрядларининг ишини ташкилий ва материал-техникавий таъминлашнинг конкрет масалалари кўриб чиқилди. Отряд аъзолари ишга киришишга тайёр эканликларини маълум қилдилар. Сўзбастада СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, СССР Госснабнинг раиси В. Э. Димитшин, транспорт қурилиши министри Е. Ф. Кожеников, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тяжельников иштирок этдилар.

А. А. ГРОМИКО БИЛАН Г. КИССИНЖЕРНИНГ МУЗОКАРАЛАРИ ТУҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва АҚШ давлат секретари, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шўғулланувчи ёрдамчиси Г. Киссинжер СССР билан АҚШни ўзаро қўнғираётган масалалар юзасидан кенг фикрлашиб олиш мақсадида 28—29 апрелда Яхневанда учрашдилар. Музокаралар дўстона ва конструктив вазиятда ўтди.

Ҳар икки томон СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда қатъий белгиланган ва ҳар икки мамлакат халқларининг ва яшн тизиликнинг манфаатларини кўзлаб юксак даражада ўтказилган Совет-Америна учрошувлари натижаларида ўз ифодасини топган

сиёсат йўлига амал қилишга астойдил қарор берганликларини изҳор қилди. Сўзбастада давомиди А. А. Громико ва Г. Киссинжер АҚШ Президенти Р. Никсоннинг Совет Иттифоқига қилаётган визити олдида таъдирларин билан боғлиқ бўлган тегишли масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар. Ана шу визит олдида таъдирларин соҳасида янча иш қилинганлиги эътироф этилди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашдаги ишларнинг аҳволи ҳам қараб чиқилди. Ҳар икки томон кенгашнинг умумин қадар тезроқ муваффақиятли тугаллашга қаратилган ўз позицияларини таъкидлаб ўтдилар.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Чирчиқ сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайлов олди кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашни Чирчиқ шаҳар комитетининг раиси В. А. Ларин очди. Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони бронетанк қўшинлари маршали П. С. Рибалко номдаги Тошкент олий танк командирлари

ЎЗБЕК ТИЛИДА

Республика «Еш гвардия» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ВЛКСМ XVII съездида 1974 йил 23 апрелда сўзлаган нутқи текстини ўзбек тилида алоҳида китобча қилиб чиқарди. (ЎЗТАГ).

ЛЕНИН ЙЎЛИДА— КОММУНИЗМ САРИ

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоллигига қандайдат. КПСС Марказий Комитетининг секретари В. Н. Пономаревнинг «Ленин йўлидан — коммунизм сари» доклади текстини брошюра қилиб чиқарди. Бу доклад В. И. Ленин туғилган кўннинг 104 йиллигига бағишланган 22 апрелда Москвадаги тантанали мажлисда қилинган эди. (ТАСС).

ОКРУГ САЙЛОВ ОЛДИ КЕНГАШИ

Билан юрти сиёсий бўлимининг бошлиғи В. П. Добров минбарга чиқди. Нотиқ билан юрти кол-лективи СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига Қизил Байроқ ордени Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмон-дон генерал-полковник Степан Ефимович Белоножкони номзод қилиб кўрсатганликларини айтди. У кенгаш иштирокчиларини шу номзодни қўллаб-қувватлашга ча-қирди. Кенгашда «Чирчиксельмаш» за-

водининг прессчиси В. Шчербаков, ойна заводи партия бюросининг секретари А. Корольков, «Қи-рай» совхозининг бригада бошли-ғи У. Улуғхўжаев, танк билан юрти бўлиммаларидан бирида ком-сомол ташкилотининг секретари

«Ишчи чирой тавламайди», Дегаз ҳикмат Майга бош. Бу — бир дарё, қайнайди. Бу — доим очик китоб. Оқ, қора, саринг, янги Оламда жазми нисон, Бир хил ўқийди маъни, Бир-бирига қадрдон. Золимлар шундан хунуб, Мазлумлар шундан шодон.

Париж жўшга келадди, Нью-Йорк чайқалади, Токно ҳайқиради, 30 апрель, 1974 йил. ТОШКЕНТ.

Юракда Ленин билан Башир боради олға. Сафарларда бошлар балад, Қўлларда Ўроқ, Болға. Миллиард-миллиард ўртоқлар — Май тонги мағрур долға. Қалблар қалбларга пайванд, Миллиард-миллиард ўртоқлар Яқдил боради олға, Ҳилирайди байроқлар!.

С. Богданов, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Г. Ежубов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Нотиқлар С. Е. Белоножко номзодини маъқулла-дилар.

Кенгаш иштирокчилари 627-Чирчиқ сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига Степан Ефимович Белоножконинг номзод қилиб кўрсатилшини яқдиллик билан қўл-лаб-қувватладилар. (ЎЗТАГ).

ЎРТОҚЛИК БАҲОРИ

ҲАММА ҒУДОМ.

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА
ШОЛИ ЭКИШНИНГ БОРИШИ
ТУҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 30
АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН

М А Ъ Л У М О Т

Биринчи усту — экинган май-дон, гектар ҳисобида, иккинчи усту-планнинг бажарилиш процен-ти.

Бекобод	1269	35,2
Қўйи Чирчиқ	763	34,4
Пискент	63	22,9
Янгийўл	60	20,7
Юқори Чирчиқ	65	18,7
Оққўрғон	116	18,4
Бўка	118	14,4
Ўрта Чирчиқ	220	10,9
Област бўйича	2674	25,7

БАҲОР БАЙРАМИ

БЕШ ЙИЛЛИК ТҮРТ ЙИЛДА

ОРЖОНИКИДЗЕ. Беш йиллик планини тўрт йилда бажариш учун курашаётган «Химик» совхозининг коллективи ишлаб чиқаришда янгидан янги ютуқларни қўлга киритишмоқда. Хўжаликда борган сари қўлаб сут, гўшт, тухум етиштирилмоқда.

Ишчилар ҳалол меҳнат қилиб, белгиланган йилнинг биринчи квартал ишлаб чиқариш планини олти йилдан бажаришди. Планидаги 78 ўринга 76,5 тонна парвез гўшти топирилди. Бу йил чорвадорлар давлатга 1 минг тонна парвез гўшти топиришди.

— Хўжалигимизда, — дейди совхоз директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Анивар Усмонов, — чорва боқиб ва маҳсулдорлигини оширишда катта ишлар қилинаётир. Уч ой ичида 130 ўринга 142 тонна серкаймоқ сут топирилди. Иккинчи квартал планини бажариш юзасидан ҳам барча тадбирлар амалга оширилмоқда.

235 МИНГ ДОНА ТУХУМ

Оҳангарон районидан 1-«Оҳангарон» совхозининг фермаларида 5000 товуқ боқилляти. Парвандабандлар меҳнатда намуна кўрсатиб ишлашлари сабабли уч ойлик планини олти йилдан бажаришди. 100 минг ўринга 235 минг дона тухум давлатга топирилди. Бу ердан товуқларнинг кўпчи тухумга кирган, кўнига 4150—4200 донадан тухум жуъатилмоқда.

— Биз, — дейди ферма мудири О. Холтуров, — Иккинчи квартал планини ҳам олириб бажариш учун ҳаракат қилимиз. Камиди 350 минг дона тухум топириш мажбуриятини олдик.

Райондаги «Галла қудуқ», 2, 3, 4-«Аҳангарон» совхозлари ҳам давлатга тухум топириш юзасидан берилган планини муддатидан олдин бажариш ниятда.

САБЗАВОТ УЗИЛМОҚДА

Калинин районидан «Партия XX съезди» колхозини эртаги сабзавот маҳсулотлари узини бошлаб юборди. Аҳолига мўлақат маҳсулот етказиб бериш ниятида тинмай меҳнат қилаётган деҳқонлар кўзда бир неча гектар майдонга сабзи сепиб қўйган эдилар. Эрта вақтида сифатли парварниш қилинган сабзи барвақт етди. Иштирокида Зухур Юсупов, Зия Азаматов ва Комил Хусанов бошчилиги бригада аъзолари сабзи узини эрта киришди. Хар бир бригада кўнига 500—600 килограммдан сабзи узиб, қабۇл пунктларига юъатилмоқда.

Хўжаликда редиска узини ва давлатга топириш ҳам қизиги тус олган. Хозирги кунда Комил Хусанов бошчилиги қилаётган бригада деҳқонлари бу борада пешқадамлик қилмоқдалар. Улар кўнига 1000—1300 килограммдан олириб редискани шаҳарликларга етказиб бermoқдалар.

А. ХУСАНОВ.

САЛОМАТЛИК КОМПЛЕКСИ

«Главашкентстрой» қурувчилари Қўйлиқ масивда уч қаватли янги тикланган бинони фойдаланишга топиришди. Бинонинг биринчи қаватига Ленин район 2-болалар поликлиникаси кўчиб кирди, юқори қаватларга эса 18 поликлиника жойлашти. Поликлиника энг замонавий медицина ускуналарини билан жиҳозланмоқда.

Ж. СОДИҚОВА.

ЮТУҚЛАР КУЗГУСИ

Поштахизмининг сўлим «Ғалаба» исмироҳат боти ёнида «Узбекистон» халқ хўжалиги ютуқлари выставкаси жойлашган. Бу кўргазма серуёиш республиканинг янги асрида қўлга киритган ютуқларининг ёрқин кўзгусидир.

Азим Тошкентимизга қадар рақибда қилган хар бир меҳмон бу ерни четлаб ўтмайди. Выставкада республика саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданий ҳаётга доир экспонатларини томоша қилади.

Шу кунларда выставка хо-

«ОҚ ОЛТИН» ИШҚИДА

Улкамизда баҳор тароналари, янграмоқда. Кенг даладар, адирлар, қирлар баҳор либосида. Баҳор ерларга ўзгача ғайза, ҳусн бахш этган. Чор атраф барглари билан ўйнашиб, аста тебратлади. Бедор, бедор кушлар дарахлардан дарахларга учиб ўтади. Қўнқа парвоз қилиб, қанот қоқди. Қўн-қўнлар, синир-бузоқларнинг майрашлари эшитилди. Буларга инит-қизларнинг яласи, тракторларнинг кучли ҳайқиринг садолари қўшилди кетади. Далага чиққан қўли гул деҳқонлар кенг ерларга яна ғайза киритмоқдалар. Деҳқон қалби баҳор наъшаси, эър умид, олам-олам секинчилар билан тўла. Юксак марраларни қўлаб, меҳнат қилмоқда у. Қайси хўжаликка борманг, қайси бир миришкор деҳқон билан гаплашманг, ҳанас, иштиёқ билан тўнган оташин ва умидли сўзларини эшитсанг.

Чинозидан Энгельс номи колхоз ерлари Қозоғистон ерлари билан туташ. Яқиндагина бу ерларга чигит экилади. Энди колхоз деҳқонлари экиб олиган чигитини тўла умидриб олиш, барча майдонларда кўчатини тўла сақлаб қолтиш умиди билан ишламоқдалар.

Хар жойининг ўз машғали бўлади. Рибек Сарсенбеков шу колхозининг машғали, қарвонбоши. Шу дагача колхозда гектардан 40 центнердан ҳосил олишни ҳеч ким ҳасилга келтирмас эди. Тўғриси, бундай юқори ҳосил олишга қўйлар ишпомас эди. Рибек Сарсенбеков ўтган йили хар гектар ердан 40,3 центнердан пахта ҳосили олиб, шу колхоз шароитида ҳам юқори ҳосил олиш муваффақиятини аядада исботлаб берди. Шунинг учун ҳам унинг номи хамма хўраят билан тилга олмақда. Турсунбой Ғўрибоев, Саидқарим Дилбоков, Эргаш Жонтевев бошлик бригада аъзолари Сарсенбековнинг издошлари, юқори ҳосил шайлолари, улар ҳам шундай эъғу-умид билан далага чиққанлар, барча уруғини қадагана. Уларнинг ҳамма ҳаракати бу йил юқори ҳосил етиштиришга қаратилган.

— Булар колхозимизда план олириб бажаришган бўлса ҳам, ҳосилдорлик жиҳатидан райондан хали орқадамиз. Биз 28 центнердан, район бўйича эса 31 центнердан олишмоқ ҳосил олдим. Колхозчи-ларимизнинг ниятлари ана шу таъовутини йқотишдан иборат дейди. — колхоз раиси Эшон Шаменов.

— Қандай йўллар билан ҳосилдорлик оширишмоқчи? — сўрадик раисдан.

— Ўтган йили план бажаришмаган 1-бригаданинг 146 гектар ерига 34 гектар янги ер қўшилди. Ана шу ерда учта бригада ташки қилинди. Сува тақдирининг ҳал қилиш учун янги ерни қавлаб, битказиб қўйилди. Тўлаган Бекаев, Раҳмонберди Тилабеков сингари ишчан ёшлар бригада бошлиғи қилиб тайинланди.

Раис яна тежамкорлик, меҳнат унвонини олириш, партиямиз талаб қилганидек сарфхаражатларини қисқартириш, ҳосилдорлигини олириш учун янги прогрессив усулларни қўлаш тўғрисида гапирди. Бу гапларининг ҳаммаси диққатга сазовор. Масалан, хар йили колхоз 200 тоннадан чигит экиб келган. Бу йил эса барча майдонларга 90х20 схемасида уяларга аниқ миқдорда уру ташлашдан сўйла билан чигит экилган учун хар йилгидан кўра 150 тоннага яқин чигит кам сарфланди.

Одатда гўза яланган учун колхоз хар йили 20—21 минг сўм маблаг сарфлаган. Бу йил уяларга аниқ миқдорда уру ташлангани учун гўза деярли янага қилинмади. Бундан колхоз аниқгина маблагини тежаб қолтиш имконига эга бўлди. Бу ҳам янгилик, баҳор меваси.

— Ҳосилдорлигини олириш мақсадида, — деб гап бошлади раис яна, — 198 гектар ерга кўш қаторлаб чигит экилади. Агар у яхши натижа берса, кейинчалик бу усулни кеңгир қўлаймиз.

Бу йили баҳор шу каби қатор янгиликларини бошлаб келди. Деҳқонлар техниканинг сирларини мукаммалроқ ўрганиб олмоқдалар. Химия препаратларини оқилона фойдаланишдан бўлиб қолдилар. Колхоз аъзолари деярли барча майдонларга чигит экиш билан бир вақтда ўғит ҳам солдилар, ёввойи ўтга қарши гербицид ишлатдилар.

— Гўза яланган, ёввойи ўтга қарши кураш ишда кўрти боқиб билан бир вақтда тўғриси келгани учун колхозчиларимиз ҳақиқатда ишнинг ишга аниқлашмоқда. Бу йил биз колхозчиларининг иш нормасини 25—30 процентдан олиришга қарор қилдик.

Б. ХАЛИЛОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ

МЕҲНАТКАШЛАРИ ПАР-

ТИЯ XXIV СЪЕЗДИНИНГ

ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА

ОШИРИШ УЧУН, ВАТА-

НИМИЗНИНГ ИҚТИСО-

ДИИ ВА МУДОФАА ҚУД-

РАТИНИ ЯНАДА МУС-

ТАҲҚАМЛАШ УЧУН АҚ-

ТИВ ҚУРАШИНГИЗ!



«Оқдўғон» совхозда макжаҳорини парварниш қилиш қизғин ўтказилмоқда. Хар бир меҳнаткор кўнига 2—3 гектар ердаги экинга ишлов берилади. СўРАТДА: илгор меҳнаткорлардан ҚОБИЛЖОН ҚУРБОНОВ (чапда) ва ҲОСИЛЖОН АҲМЕДОВЛАР.

Х. Авзалов фотоси.

ШОДЛИК АЙЁМИДА

ЯНГИ УЙЛАР
МУБОРАК

ПАЗАНДАЛАР
ХИЗМАТДА

БАЙРАМ
ДАСТУРХОНИГА

ОТЧОПАРГА
МАРҲАМАТ

1 Май байрам кўнуга келди. Бинокорлар бор куч ва ижтимоийларини ишга солиб, байрам арафасида ҳамшаҳарларимизга яна юзлаб квартира совға қилишди. Тошкент шаҳар капитал қурилиш бошқармаси бинокорлари Шимолий Шарқ масивинда хар бири 50, 40 ва 70 квартирага эга бўлган ўнча уйини фойдаланишга топиришди. Қорақамниш масивинда қурилган учта янги ҳам янги онластар кўчиб кирмоқда.

Шаҳримизда фақат турар-жойлар эмас, шу билан бирга мактаблар ва болалар боғчалари қурилиши ҳам ой сайин кеңгаймоқда. Бинокорлар кўн неча Қўйлиқ масивинда 280 ўринли болалар боғчасини ишга туширишди. Болаларни тарбиялаш ва эркин ўстириш учун бу боғчада барча қўлайликлар муҳайё.

Умумий овқатланиш корхоналари пазандаларининг бугун қўли қўлига тегмайди. Улар ўз иш ўринларини янги-янги хизматларга, гавжум майдонларга кўчиришган. Биргина Октябрь район ошоналар трестининг ўзи 25 жойда таомилар вистасини ташки қилди. 60 та ошона, 20 та чойхона, 51 та бюджет байрам кўнлари ҳамшаҳарларини ва меҳмонларимиз хизматига бўлади.

Байрам арафасида 3-автомобиллар, заргарлик заводларида қурилган ошоналар ҳам ишчиларга хизмат кўрсата бошлади. Умуман байрам арафасида шаҳримизнинг турли жойларида 1200 ўринли ошона ва кафелар янгидан иш бошлади.

Булардан ташқари, ярим-фабрикалар маҳсулотлари савдо-си ҳам бугун қизгин. Жойларда очилган магазинларга 60 тонна қийма ва бошқа хил яримфабрикалар масаллиқлари чиқарилиди.

Колхоз ва совхоз теплицаларида етиштирилаётган ноз-неъматлар шаҳарликлар дастурхонига нешма-неш етказиб бериламоқда. Ситдир, Олой, Марказий бозорларнинг пештахталари ва сабзавот магазинлари ноз-неъматларга тўлаб кетди. Байрам кўнлари Қўйлиқ теплица комбинати шаҳарликларга 20 тоннадан ортиқ помидор, бодиринг ва резаворлар тақдим қилади.

Областимизнинг Калинин ва Оржоникидзе районлари хўжалиқларидан келадиган сабзавот маҳсулотларининг ҳам охири кўринмайди. Байрам арафасида чорвадорлар ва соҳибкорлар шаҳардаги биродарларига минг тонна гўшт, миллион донна тухум, бир неча юз тонна сабзавот маҳсулотлари юбордилар. Бугун бу маҳсулотлар байрам дастурхонига қўйилади.



Байрам кўнлари шаҳримизнинг барча маданият ва истироҳат боғлари томошабинлар билан гавжум бўлади.

2 Май кўни ҳамма Тошкент отчопари ўз бағрига тақдир қилади. Бу ерда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағиш-лаб от спорт мусобақалари да оммавий сайл уюштирилади.

Уша кўни майдонга авиомоделилар, оғир атлетикачилар, акробатлар, радио ҳаваскорлар чиқадилар. Улар томошабинлар олдида ўз маҳоратларини кўрсатадилар. Шундан сўнг майдонга тўлиқлар кириб келади. Чавандозларимиз «Қиз қўймоқ», «Човган», «Ағдарин» каби мураккаб ўйинларини ижро этишади. Мусобақаларга кўй ва кўшчилар улашиб кетади. Сайл қатнашчилари ўзлари севган созанда ва хонаналар билан учрашадилар, улар санъатини томоша қиладилар.

Пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси илмий-текириш институтини қатор ижодий ютуқлар қўлга киритилди. Илмий муассаса олимлари кимё фанининг муҳим муаммоларини муваффақиятли ҳал этиб, химия саноатини ривожлатириш ишига муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Сўратларда (чапдан ўнгга) илмий ходимлардан К. Розанов ва Х. Пириқуловлар лабораторияда. Институт биносининг умумий кўриниши. Илмий ходим В. Орифонов илмий иш устида.

И. Глауберсон ва В. Сироткин фотолари.



БИР АЖИБ ТУЙҒУ

Дилда кезар бир ажиб туйғу. Навбаҳорнинг табассумиди. Водиларда жийлабди инжу Сочиб келар тоғлар тизмидан.

Янги ғилам тўшалган қирлар. Тироклайди кўрини хар баҳор. Бир-бирига қўла бериб ерлар, Нафасида олтин тағти бор.

Гул боғларининг дилбар шукҳи Оғу олур олтин қўллардан. Ишон қалбин чиройи, руҳи, Бўса олур чаман гуллардан.

Шу толеъини яратган инсон, Эъзозлайди она ерини. Зар ундилар ерга экса дон, Қўён айлар улкан меҳрини.

Эъғу ният журъди билан Уфиларга ташлайдик қадам. Она ерининг неъматини билан Гўзал бўлсин дейди бу олам.

Шунинг учун тақир чўлларини Маскан айлаб белиб боғлайди. Ташлаб эъғу, қийин йўлларини, Қурашларга ўзин чоғлайди.

Дарёларини мангу жилволаб, Саҳроларга элтини шундан, Булоқ очиб, ер тубин қовлаб, Қўлар пайдо этиши шундан.

Лочин каби кенг қанот ёниб, Дарға бўлиб, дарёда сузиб, Қўлар йўлини эъзоз этади.

Қиёе айлаб қалбин кўеши. Тер тўқлади эрта, кеч, наҳор, Бундай азму, қудрат, бардошга Келиб бўлиб келадик баҳор.

Шундай баҳор элимда бордур. Мана бугун унинг байрами. Унга мангу бахт, толеъ ёрдир. Шодлиқлар-ла ўтар хар дам.

Шунинг учун чехраларда нур. Байрам қилар эл билан қўлдам. Юракларда мавж урар сурур, Эда кезар тантана, байрам.

НАЗАРМАТ.

«ЮЛДУЗ» ТУХФАСИ

нинг тематик-композицион плани тўзиб чиқилди.

Ўзбекистон выставкаси СССР ва Украина выставкалари билан алоқа қилади. Олтин тўйга атаб ВДНХ медали ва I, II, III даражали дипломлар таъсис этилди. Выставканинг голлиб қатнашчиларига машиналар, мотоцикллар, телевизор ва радиоприёмниклар тайёрлаб қўйилди.

Юбилейга қизғин тайёргарлик кўришда выставканинг ишчан ходимларидан Маргарита Артюшина, Мутлиха Отабекова, Валентина Пашкова, Дамир Юсупов, Солиқ Хусановлар жонқурилик қилмоқдалар.

З. ТУЛАГАНОВА.

қандаг аҳдларининг ҳам устидан чиқиди.

Фирма коллективининг бундай муваффақиятга эришишида тайёр маҳсулотларини пардозлайдиган янги линиянинг ишга туширилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Венгриядаги «Паннония» фирмасидан келтирилган бу янги линия меҳнат унвондорлигини сезиларли даражада оширди ва маҳсулот сифатини яхшилади.

Халқаро бирдамлик куни
муносабати билан марказий
майдон яна ҳам гўзаллашиб
кетди. Ўзбекистон ССРда хиз-
мат кўрсатган санъат арбоби
В. И. Еленин ва Б. П. Авдеев

йигирма етти метр бўлиб, у жуда узокдан яққол кўрнниб туради.

Шу йилнинг сентябрь ойида республикамиз меҳнаткашларининг доҳийга бўлган меҳр-муҳаббатни тимсоли бўлган ёдгорлик баралла қад кўтарди.

Поётахтимиз марказий жайдонин яқин вақт ичиди ана шундай гўзал ва салобатли қиёфага киради.



Ж. МАМАТОВ.

Редактор А. ПОМОЩНИКОВ

A-2486.

